*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2015 йил 17 ноябрь • сешанба № 45 (989)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

Янги қонун лойиҳаси

# Қулайлик ва имтиёзлар

## кўлами янада кенгаяди

ТАДБИРКОРЛИК субъектлари фаолиятини ривожлантириш, энг аввало, уларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш, мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш орқали амалга оширилиши зарур. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, мамлакатимиз мустақилликка эришгач бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар эътирофга лойиқ.

Хусусан, сўнгги йилларда мазкур соҳани тартибга солувчи қонунчилик тизими тубдан такомиллаштирилмоқда. Янги қабул қилинган, қўшимча ва ўзгартишлар киритилган қонун ҳужжатларига эътибор берадиган бўлсак, мазкур соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ривожланишлар билан ҳамоҳанг олдинга қараб кетаётганлигини кўрамиз.

Ҳозирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан тайёрланаётган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам тадбиркорлик соҳасидаги айрим масалаларни тартибга солиш билан бирга, мазкур йўналишда иш бошлаган шахсларга янги имтиёз ва имкониятлар беради.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги Фармони билан тасдиқланган

2 ▶





**Ҳозирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан тайёрланаётган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тадбиркорлик соҳасидаги айрим масалаларни тартибга солиш билан бирга, мазкур йўналишда иш бошлаган шахсларга янги имтиёз ва имкониятлар беради.**

**Эртага – "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганига 24 йил тўлади**

# Мустақил юрт рамзи

## Ўзбекистон байроғи — фахр-ифтихоримиз



**ҚАДИМ замонларданоқ байроқ мустақил давлат ва халқнинг фаровон ҳаёт ҳақидаги орзуларини мужассам этган. Давлат байроғининг баланд кўтарилиши янги давлат эълон қилинганининг биринчи даракчиси, анъанага кўра, унинг тантанали маросими бўлиб ҳам ҳисобланади. Байроқ азалдан миллий ор-номус ифодаси бўлиб, мамлакат ичкариси ва ташқарисида муҳофаза қилинади. Давлат рамзларидан бири ҳисобланган байроқ — миллий суверенитетни, халқимизнинг мустақил, ўз тараққиёт йўлига эгалигини англатадиган муқаддас тимсолдир.**

Байроқлар инсоният тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўтмишдаги оламшумул воқеалар, саналар, улкан жангу жадаллар, буюк жўғрофий кашфиётлар, халқларнинг мустақиллик учун курашлари шоҳиди ҳамдир. Чингизхон Мовароуннаҳр тупроғига тиғ кўтариб кирганда, юртнинг алп фарзандлари Ватан байроғи остида душманга қарши курашди. Нажмиддин Кубродай авлиёлар уни баланд тутиб, "Ё Ватан, ё шарафли ўлим!" дея ҳайқириб, миллат баҳодирлари қалбига қасос оловини ёқди. Тирик жон, қўлида қурол ушлай олган кимса борки — барчасини юрт мудофаасига отлантирди.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам ғолиблик байроғини юксак кўтарди. Бу байроқ остида буюк эл уюшди, у бунёд этган улуғ салтанатни дунё тан олди. Байроқ жангчиларга жанговар руҳ бағишлаш, уларнинг кайфиятини кўтариш, иродасини чиниқтириш мақсадида жанг майдонлари узра баланд ҳилпираб турарди. Амир Темур замонида байроқни паст тутиш ёки сарбознинг қўлидан тушиб кетиши хосиятсиз саналган. Байроқнинг пасайтирилиши мағлубият ва ортга чекиниш ишораси бўлган. "Темур тузуклари"да таъкидланишича, душман устидан шижоат ва мардлик кўрсатиб ғалаба қозонган амирлар ҳамда сипоҳийларга давлат тимсоллари — туғ ва ноғора инъом қилинган. Бу эса салтанат рамзлари нечоғлик баланд мақом тутганидан далолат беради.

Эндиликда ер куррасида мавжуд бирон-бир давлатни ўз рамзларисиз, хусусан, ўз байроғисиз тасаввур қилиш қийин. Ҳозирда 200 дан ортиқ давлатлар ўзларининг хилма-хил, ранг-баранг байроқларига эга. Байроқлар мамлакат кундалик ҳаётида катта аҳамият касб этиб, давлатнинг расмий идоралари, ташкилотлари, ҳарбий ва савдо кемаларида кенг қўлланиб келинмоқда.

Мустақиллигимиз қўлга киритилган дастлабки кунданоқ юртимизнинг рамзларини белгилаб олиш борасидаги ишлар жадаллашди. Ўзбекистон давлат байроғи, герби чизмаларини тайёрлашда республикамизнинг таниқли рассомлари, тарихчилари, санъатшунослари, бадиий тасвир ва графика усталари, маданият ва санъат арбоблари, ҳуқуқшунослик ва бир қатор соҳа мутахассисларидан таркиб топган комиссия ишлади. Давлатимизнинг байроқ ва туғроси тасвири умумхалқ муҳокамасига олиб чиқилиб, танлов эълон қилинди. Мамлакатимиз байроғи 1991 йил 18 ноябрда республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VII сессиясида тасдиқланиб, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун билан мустаҳкамланди. Давлат суверенитетининг рамзи ҳисобланган давлат байроғи фақатгина давлатнинг тимсолигина бўлмай, балки унга миллий тимсол сифатида қаралмоғи лозим. Ўзбекистон байроғи тўқ мовий, оқ ва тўқ яшил ранглардан таркиб топган бўлиб, қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихий жиҳатдан боғлиқлик риштаcomponent ҳам англатади.

Мазкур Қонун давлат байроғининг тасвири, унинг қўлланиш тартиблари, уларга риоя қилиш билан боғлиқ масъулият юклатилган жавобгар шахсларни белгиловчи қоидалар мустаҳкамланган ҳуқуқий ҳужжатдир. Жумладан, қонуннинг 5-моддасида давлат байроғи доим кўтарилиши лозим бўлган ташкилот, идоралар, маросим ҳамда тадбирлар кўрсатилган. 8-моддасига асосан у кўпи билан 45 градус бурчак ҳосил қиладиган тарзда кўтарилиб, ер сатҳидан камида 2,5 метр баландликда бўлиши керак.

2010 йил 24 декабрдаги **"Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги Қонунда давлат байроғининг доимий равишда айнан қандай биноларда, қандай идораларнинг мажлислар залида, қайси мансабдор шахсларнинг хизмат хоналарида ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланган байрамлар, сайлов ва референдум

2 ▶

ШУ сонга хабар!

# "Ёшлар ҳафталиги"

## тадбирлари ранг-барангдир

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ Ёшлар ижод саройида "Эртанги кун бизники, марра бизники!" шиори остидаги "Ёшлар ҳафталиги"га кеча старт берилди.**

Мазкур ҳафталик доирасида кино, мода ва дизайн, театр, туризм, экология каби соҳаларда фаолият юритаётган билимли ёшлар ўз маҳоратини намойиш этади. "Қувноқлар ва зукколар", "Тафаккур синовлари" кўрик-танловларининг якуний босқичи, "XXI аср — интеллектуал авлод асри" шиори остидаги илмий-амалий конференция ва бошқа тадбирлар ўтказилади. Бу ёш авлоднинг маънавий оламини бойитиш, маданий савиясини юксалтириш, ўз соҳаси бўйича маълумотлар олишини таъминлаш, санъат ва гўзалликка бўлган интилишини кучайтириш, миллий санъатимизнинг бетакрор анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳафталик 22 ноябргача давом этади.

**(Ўз мухбиримиз)**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги олдидан

# Ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати

**1992 ЙИЛНИНГ 8 декабрида мустақил мамлакатимизнинг Асосий қонуни — Конституциямиз қабул қилинди. Бу тарихий ҳужжатнинг бош ғояси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, деб белгиланди. Бу ғоя халқимизнинг азалий орзу-умидлари ҳамда бугунги бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунига тўла мос келади. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун муқаддас бўлган миллий ва умуминсоний қадриятларни, ҳар бир кишига дахлдор ҳуқуқ ва бурчларни ўзида мужассам этади.**



Мана, йигирма уч йилдирки, олдимизга қўйилган улуғвор вазифаларни амалга ошириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётини тубдан янгилаш, ижтимоий адолатни қарор топтиришда Конституция йўлимизни машъаладек ёритиб келмоқда. Ўтган йиллар ичида кечган умримиз, эришган муваффақиятларимиз, қозонган ғалабаларимиз, мустақил Ўзбекистоннинг бугунги обрў-эътибори, халқаро майдондаги баланд нуфузи шу буюк қомусий ҳужжат — Конституция билан бевосита боғлиқ.

Дарҳақиқат, Конституциямиз ҳар томонлама мукаммаллиги, хусусан, унда суд ҳокимияти мустақиллиги ва одил судловни амалга ошириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолатлангани соҳа ислоҳотлари жараёнида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Зеро, Асосий қонунимизнинг 106-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият, сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда фаолият юритиши белгилаб қўйилган. Бу эса амалиётда одил судловни холис, юқори савияда амалга ошириш имконини бермоқда. Конституциямизнинг 112-моддасида ҳам шунга алоҳида эътибор қаратилган. Яъни, "Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади", деб белгилаб қўйилган.

Конституциямизда, аввало, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлашга катта эътибор қаратилди. Шу мақсадда суд ишларини юритишнинг процессуал тартибини соддалаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, одил судлов ҳимоясидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, миллий қонунчилигимизни дунё стандартлари, халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштиришга қаратилган муайян чоралар кўрилди. Мисол учун, 1993 йилда қабул қилинган **"Судлар тўғрисида"**ги Қонун одил судловни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиш билан

3 ▶




**Диққат:**
**Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги!**

**Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурига асосан жорий йилда ҳам ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ноябрь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан мамлакатимиз бўйлаб кенг миқёсда ҳуқуқий саводхонлик ойлиги ташкил этилади. Мазкур тадбир республикамиз ўқув даргоҳлари, маданият ва санъат муассасалари, маҳаллаларда ўтказилиши режалаштирилмоқда. Ушбу анжуман Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ЁИҲ, Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда барча ҳокимликлар ҳамкорлигида ўтказилади.**

# Мустақил юрт рамзи

## Ўзбекистон байроғи — фахр-ифтихоримиз

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

кунлари қаерда, қандай маросимлар пайтида кўтарилиши аниқ ва батафсил белгилаб берилган.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонунга янги $5^1$- ва $5^2$-моддалар ҳам киритилиб, Давлат байроғи тасвири туширилган белгилардан фойдаланиш тартиби мустаҳкамланди.

$5^1$-моддага кўра, Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилар Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемалари давлат реестри ёки Давлат ҳаво кемалари давлат реестрига киритилган ҳаво кемаларига, шунингдек, Авиация маъмурияти ҳисобида турувчи экспериментал ҳаво кемаларига, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда автомототранспорт воситалари ва улар тиркамаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақам белгиларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисига қўйилади.

$5^2$-моддага биноан эса байроғимиз элементларини нодавлат ташкилотлар ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди, ундан тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига ўхшаш бўлиши мумкин эмас. Давлат гербига нисбатан ҳам худди шу каби меъёрлар “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги Қонунига киритилган $5^1$-модда билан белгиланди.

Ушбу нормаларнинг киритилишига сабаб баъзи бир тадбиркорларимизнинг фуқароларнинг ҳис-туйғуларидан ўзгача, яъни тижорат мақсадларида давлат рамзларини қўллашга уринишларида кузатилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда рамзлардан фойдаланишда эътиборсизлик ва камчиликларга йўл қўйган раҳбар ходимлар учун алоҳида жавобгарлик белгиланганлигини эътироф этиб ўтиш жоиз.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс “Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш”, деб номланган янги $203^1$-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, “Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”.

Давлат байроғимиз эндиликда халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида жаҳон майдонига собитқадамлик билан кириб бораётган Ўзбекистонни муносиб намоён этаяпти. Ўзбекистон Республикасининг байроғи жаҳоннинг турли ерларида, чет элдаги дипломатик ваколатхоналар биноларида ҳилпираб турибди. Давлатимизнинг бу рамзини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳи жойлашган бино олдидаги БМТга аъзо давлатлар байроқлари орасида кўриш қувончлидир.

Бугунги кунда байроғимиз кенг нишонланадиган умумхалқ байрамларимизнинг ажралмас бир қисмига айланди. У байрамларимизга ўзгача шукуҳ, тароват бағишлаб, обод шаҳар ва қишлоқларимиз ҳуснига ҳусн қўшиб, озод юртимизнинг умрбоқийлиги, ёруғ кунларимизга ишонч ва юксак ватанпарварлик туйғуларини ифода этади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий, маданий, ижтимоий ютуқларини хорижда тарғиб қилаётган халқаро кўргазмаларда ва турли спорт мусобақаларида ҳам давлат байроғимиз тез-тез кўтарилмоқда.

Байроғимиз ватанимизнинг муқаддас рамзи. Буюк ва музаффар аждодларимиз каби байроқни ардоқлаш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг шарафли бурчидир.

**Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,**
**юридик фанлар доктори**

# Қулайлик ва имтиёзлар

## кўлами янада кенгаяди

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

**“Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастури”**нинг I ва II бўлимларини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилди.

Лойиҳа билан айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга суд ва прокуратура органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини ошириш, уларга берилган имтиёз ва преференцияларнинг амалиётда амалга оширилишини назорат қилиш механизмини такомиллаштириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари уларнинг хўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун жавобгарлигини кучайтириш мақсадида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Жумладан, Фуқаролик кодексига мувофиқ мулк фақат суд қарори асосида мусодара қилиниши ёки ҳақ тўланмаган тарзда олиб қўйилиши мумкин. Айни вақтда амалдаги қонунчилик айрим назорат органларининг мулкни мусодара қилиш ҳуқуқини кўзда тутади.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суд органларининг ролини ошириш мақсадида товарлар, транспорт воситалари ва бошқа буюмларни фақат суд қарори асосида мусодара қилиш механизмини жорий қилиш таклиф этилмоқда. Шу муносабат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 27-моддаси ҳамда “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига тегишли ўзгартишлар киритилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари орасидаги низоларни тезкорлик билан кўриб чиқиб қонуний ҳал этиш мақсадида Хўжалик процессуал кодексининг 116, 122 ва 125-моддаларига хўжалик судлари томонидан даъво аризаларини иш юритувга қабул қилиш ва ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш муддатларини ўн кундан беш кунгача, шунингдек, давлат ёки бошқа органнинг ҳужжатини ҳақиқий эмас, мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни ноқонуний деб топиш бўйича ишларни кўриш муддатини 30 кундан 15 кунгача қисқартиришни кўзда тутган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонунчиликда “корпоратив низолар” бўйича ишларни кўриш хўжалик судларига тааллуқлилиги белгиланган. Бироқ ҳамма корпоратив низолар ҳам хўжалик судларига тааллуқлилиги белгиланмаган. Уларнинг бир қисми (кооператив, хусусий тадбиркор, оилавий корхона, жамоа корхонаси фаолиятидан келиб чиқадиган низолар ва бошқалар) умумий юрисдикция судлари томонидан кўрилади. Бу ишларнинг умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари тааллуқлилик масалаларини ҳал қилишда қарама-қаршиликларга (коллизияларга) олиб келади.



Корпоратив ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ барча низолар иқтисодий соҳада юзага келиши туфайли ҳамда Конституциямизнинг 111-моддасига мувофиқ бундай низоларни ҳал қилиш хўжалик судларига тааллуқлилиги белгиланган. Барча корпоратив низоларни хўжалик судларига тааллуқлилигини белгилаш таклиф қилинмоқда, шу муносабат билан Хўжалик процессуал кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Солиқ кодексининг 112-моддасига қўшимча киритиш билан хўжалик судларига алоҳида ҳолатларда (ҳуқуқбузарликнинг аҳамияти камлиги, енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги, солиқ тўловчининг моддий аҳволи) жарима санкциялари суммасини қуйи чегарадан паст қилиб камайтириш ҳуқуқини бериш таклиф қилинмоқда.

Шунингдек, жиноий жавобгарликни янада либераллаштириш мақсадида Жиноят кодексининг 184 ва Жиноят процессуал кодексининг 333-моддаларига таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахсга нисбатан у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати қарорини олган кундан бошлаб ўттиз кун ичида солиқ ва бошқа тўловлар, жумладан, пеня ва бошқа молиявий санкциялар кўринишида давлатга етказилган зарарни қоплаган тақдирда, жиноят иши қўзғатилмайди.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига қарши қаратилган жиноятларни тизимлаштириш ва ягона ёндашувни таъминлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўрисидаги кодексга $XIII^1$ (Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига қарши қаратилган жиноятлар) боби киритилмоқда. Шунга ўхшаш тизимли ёндашув Жиноят кодексига янги киритилган $XX^1$ (Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар) бобида кўзда тутилган.

Киритилаётган боб Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги Фармони билан тасдиқланган **“Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастури”**нинг 2 ва 16-бандларида кўзда тутилган қоидаларни ўз ичига олади.

Тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёз ва преференцияларни амалга ошириш устидан ягона назорат механизмини жорий қилиш мақсадида **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**-ги Қонун давлат органларининг қонунчиликда белгиланган кафолатлар, имтиёз ва преференцияларни тушунтириш, имтиёз (преференция)ларга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ҳисобини амалга ошириш, шунингдек, уларни қўллашни таъминлаш бўйича мажбуриятларини белгилашни кўзда тутадиган $30^1$-модда билан тўлдирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, таклиф қилинаётган мазкур қонун лойиҳаси юртимизда тадбиркорлик соҳасидаги айрим муносабатларни адолатли тартибга солиш орқали, иқтисодиётни янада ривожлантиришга муносиб улуш қўшади.

**Баҳром ОБИДЖОНОВ,**
**Авазбек ЎРИНБОЕВ,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси**
**депутатлари**

**Адлия вазирлигида**

# Идоравий норма ижодкорлиги

## Унинг аҳамияти

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА “Идоравий норма ижодкорлигининг ҳуқуқий аҳамияти” мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда оммавий ахборот воситалари вакилларидан ташқари бир қатор вазирлик ва ташкилотларнинг шу соҳага масъул мутахассислари иштирок этди.**



Маълумки, вазирлик ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар миллий қонунчилик тизимида алоҳида аҳамият касб этади. Экспертларнинг хулосаларига кўра, бундай ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бир неча босқичдан иборат мураккаб жараён. Ташкилий тадбирлар, зарур маълумотлар тўплаш, катта ҳажмдаги таҳлилий ишлар, лойиҳани тайёрлаш ва уни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш шулар жумласидандир. Мазкур вазифаларни талаб даражасида бажариш эса юридик хизмат ходимлари зиммасига улкан вазифалар юклайди. Адлия вазирлиги ва унинг қуйи тизимлари томонидан ушбу фаолият устидан доимий назорат олиб борилмоқда. Қайд этиш лозимки, ўтган йиллар мобайнида ислоҳотлар талабидан келиб чиқиб соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштириб борилди.

Хусусан, 2012 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда ҳам мазкур соҳага оид янги меъёрлар белгиланди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, мазкур ҳужжат билан ҳуқуқий экспертизанинг иккита янги тури жорий этилди.

Улардан биринчиси, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган қоидалар ва нормалар мавжудлигини аниқлаш.

Иккинчиси эса тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар келтириб чиқарувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар мавжудлигини аниқлаш.

Ҳуқуқий экспертиза натижасида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг юқорида айтиб ўтилган талабларга жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда, уни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилади.

Таъкидлаш жоизки, айрим вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан белгиланган тартибга риоя этилмаслик оқибатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилмоқда.

Анжуман қатнашчиларининг эътиборига айрим далил ва рақамлар ҳавола этилди.

2015 йилнинг 9 ойи давомида Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун 388 та ҳужжат тақдим этилган бўлса, уларнинг қарийб 21 фоизи давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган.

Яна бир таъкид шуки, Адлия вазирлиги вазирлик ва идоралардан уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қонунчиликка мувофиқ ҳолга келтиришни талаб қилишга ҳақли. Вазирлик ва идоралар ушбу ҳолда ўн кун муддатда ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзгартириш ва қўшимчаларни Адлия вазирлигига тақдим этишга мажбурдир.

Хусусан, 2015 йилнинг 9 ойи давомида вазирлик ва идораларга давлат рўйхатидан ўтказилган 203 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчилик асосида қайта кўриб чиқиш тўғрисида 58 та тақдимнома киритилган.

Унутмаслик керакки, эскирган ва ноқонуний нормаларни ўз ичига олган идоравий ҳужжатларнинг амалда бўлмаслигини таъминлаш мақсадида, тегишли меъёрий ҳужжатлар Давлат реестридан чиқарилади. Бу эса ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юридик кучга эга эмас, деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

Мутахассислар соҳага оид мавжуд камчиликларни бартараф этишда юридик хизмат ходимлари учун жойларда ташкил этилаётган сайёр семинарлар, давра суҳбатларини таъсирчан омиллардан бири, деб ҳисоблайди. Ушбу тадбирларда адлия органлари ходимлари томонидан муаммоларнинг ечими юзасидан аниқ тавсия ва кўрсатмалар бериб келинмоқда. Шунингдек, матбуот анжуманида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш баробарида, уларни расмий эълон қилиш, манфаатдор шахслар эътиборига етказиш ҳам жиддий масала эканлигига урғу берилди.

Учрашув иштирокчилари соҳадаги янгиликлар, юридик хизматлар фаолиятини янада такомиллаштириш, айниқса, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлардан аҳолининг хабардорлигини оширишда оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини алоҳида эътироф этдилар. Мулоқотларда ҳамкорликнинг янги йўналишлари, соҳага оид долзарб мавзулар белгилаб олинди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

**Қонун доирасида**

# Кечиктириб тайинланган пенсия

## тўлиқ тўланиши таъминланди

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан давлат органларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати ҳамда уларни яхшилаш юзасидан иш режа асосида ўрганишлар ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг **“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”**ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига риоя қилиниши бўйича Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ва унинг туман (шаҳар) бўлимлари фаолияти ўрганилди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари, унинг келиб чиқиш сабаблари ва унга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида 16 та тақдимнома киритилди. Таъсир чоралари натижасида 24 та қарор бекор қилиниб, фуқароларга ўз вақтида тўланмаган 8.373.247 сўм пенсия тўлаб берилди ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ҳамда унинг туман (шаҳар) бўлимларида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 21 ходимга “ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилди.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Элликқалъа туманида яшовчи Г.Палванова 54 ёшда пенсия тайинлашни сўраб 2014 йил 21 январда тегишли идорага мурожаат этган. Шу куни пенсия тайинлаш тўғрисида чиқарилган қарорда пенсия тўланиши 21.01.2014 йил деб кўрсатилган. Бироқ Г.Палванова 1959 йил 24 октябрда туғилганлигини эътиборга оладиган бўлсак, унга 2013 йил 24 октябрдан бошлаб пенсия тўланиши керак эди. Лекин фуқарога 2 ой 27 кунлик пенсия ўрганиш кунига қадар тўланмасдан келинган.

Шунингдек, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 45-моддасида пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар улар тушган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши белгиланган. Пенсия тайинлаш рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими тегишли қарор чиқарилганидан кейин беш кун ичида корхона, ташкилот ёки аризачига пенсия тайинлаш рад этилгани ҳақида рад этиш сабаблари ва шикоят бериш тартиби кўрсатилган хабарномани беради ёки жўнатади ҳамда айни чоғда барча ҳужжатларни қайтариши белгиланган. Ўрганишлар жараёнида мазкур талаблар бузилган ҳолатлар ҳам аниқланди.

Жумладан, Хўжайли тумани, Тахиатош шаҳри, Керамзит посёлкасида яшовчи П.Нуржанова ёшга доир пенсия тайинлашни сўраб жорий йил март ойида ариза билан мурожаат этган. Мурожаат комиссия томонидан ўрганилиб, орадан икки кун ўтгач, 106-сонли қарор билан П.Нуржановага пенсия тайинлаш рад этилган. Лекин бу ҳақда фуқарога ёзма равишда жавоб берилмаган ва ҳужжатлари қайтарилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқишда қонунларга риоя этиш, мурожаат қилганларга ҳуқуқий кўмак бериш барчамизнинг инсонийлик вазифамиз ҳисобланади.

**Артур ДАВЛЕТОВ,**
**Қорақалпоғистон**
**Республикаси**
**Адлия вазирлиги**
**масъул ходими**

# Ҳуқуқий маслаҳатхона



**— ҚАРЗНИ фоизга бериш мумкинми? Бунинг қонуний асослари борми?**

**А.ИЛҲОМОВ, Тошкент шаҳри**

— Фуқаролик кодексининг 734-моддасига кўра, агар қонунда ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юридик шахс ёки фуқаро) қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар қарз шартномаси бўйича қарз олувчига турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар топширилса, уларнинг миқдори ва шакли (пул ёки натура ҳолидаги) шартномада кўзда тутилган ҳолларда фоизлар тўланиши керак.

Фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари қарз шартномаси билан белгиланади. Агар фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари шартномада белгиланган бўлмаса, улар асосий қарзни қайтариш учун шартномада назарда тутилган тартибда ва муддатларда тўланади.

**Саволга Сирғали туман 4-сон давлат нотариал идораси нотариуси Наргиза МУҲАММАДИЕВА жавоб берди.**

**Ҳамкорлик**

# Рағбат ва эътибор

## қонун устуворлигини мустаҳкамлайди



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Бош прокурорининг шу йил 26 октябрдаги “Қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фаол иштирок этган фуқаролар ва юридик шахсларни рағбатлантириш тўғрисида”ги буйруғига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларни рағбатлантириш бўйича ўтказилган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритиб бориш вазифаси юклатилганди.**

Мазкур буйруқ ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилоят прокуратураси томонидан илк рағбатлантириш тадбирлари ўтказилди.

Яъни, вилоят прокуратурасининг дастлабки ташаккурномалари вилоят халқ таълими бошқармаси психологи Шириной Мустафоева ва “Фарғона ҳақиқати” газетасининг махсус мухбири Абдувосит Сидиқовларга насиб этди.

— Масалан, Ш.Мустафоева ўз ташаббуси билан ёшлар ўртасида суицид ҳолатларини аниқлашга қаратилган башорат сўровномаларининг тест услубини, хавфли гуруҳ таъсир доирасига кирувчи ёшлар билан алоҳида психологик ишлаш тартибини ҳамда “Ўсмирлар ўртасидаги суицид муаммоси”, “Суициднинг олдини олиш бўйича синф раҳбар ва психологлар учун ота-оналар йиғилишига методик эслатмалар”, “Устоз-шогирд усулида шахсга таъсир этишнинг психологик хусусиятлари”, “Таълим муассасаларида ўсмирлар ўртасида суицид ҳолатларининг олдини олишнинг психологик омиллари” номли услубий қўлланмаларни ишлаб чиққан ва улар амалиётга татбиқ этилган, — дейди Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори Шокиржон Султонов. — Журналист А.Сидиқов эса сўнгги йилларда бевосита вилоят прокуратураси ходимлари билан ҳамкорликда амалдаги қонунлар, уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, Президент фармонлари, қарорлари, ҳукумат қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиб, бу борада прокуратура органлари томонидан амалга оширилаётган ишларни газета саҳифаларида кенг ёритиб бормоқда.

Ташаккурномалар тантанали равишда ўз эгаларига топширилди. Тадбирларда прокуратура ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

# Ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати

**(Давоми.
Боши биринчи бетда)**

бирга, суд мустақиллигини таъминлаш учун ҳам мустаҳкам замин яратди. 2000 йилда ушбу Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Унга кўра, умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу эса уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир.

Жиноят-процессуал қонунчилигига апелляция институти киритилиши ҳам жамиятимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Зеро, мазкур институт суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлар устидан берилган шикоят, протестларини тўлиқ текшириш, қўшимча тақдим қилинган далил ва ҳужжатлар асосида иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш, ишни биринчи инстанция судига янгитдан кўришга юбормасдан, йўл қўйилган камчиликни тузатиш, процессуал қонунбузилиши ҳолларини бартараф этиш, ҳукмни тўлдириб, ўзгаришсиз қолдириш ёки суд ҳукмини бекор қилиб, қонуний асослар мавжуд бўлганда, оқлов ҳукми чиқариш борасидаги ваколатларини янада кенгайтирди. Ўтган йиллар давомида юзлаб жиноят ишлари белгиланган муддатларда ҳал қилиниб, қонуний тўхтамга келишга эришилганлиги ҳам бу институт нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Конституция нормалари асосида **“Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотларида муҳим ўрин тутди. Унга кўра, жиноятлар таснифи тубдан ўзгарди. Аёллар ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо турининг энг кўп муддати муайян жиноят учун қонунда назарда тутилган энг кўп муддатнинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлмаслиги белгиланди. Шу билан бирга жиноят қонунчилигидан мол-мулкни мусодара қилиш тартиби чиқариб ташланди.

Асосий қонунимиздаги инсонпарварлик тамойилига мос суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларидан яна бири, шубҳасиз, суд амалиётига ярашув институтининг жорий этилишидир. Бу янгилик миллий урф-одатларимиз ва умуминсоний қадриятларга мослиги билан ҳам эътиборга молик. Унга кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказган зарарни қоплаган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортилмайдиган бўлди.

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан тақдим этилган **“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”** тизим ислоҳотларида янги даврни бошлаб берди. Зеро, мазкур дастуриламал ҳужжат асосида ишлаб чиқилган **“Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонун бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Нега деганда, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган ушбу қонун билан **“Прокуратура тўғрисида”**ги ва **“Судлар тўғрисида”**ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал кодексларига муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Булар, ўз навбатида, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида “Хабеас корпус” институтини қўллаш амалиётини кенгайтириш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августдаги **“Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони соҳада рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларда яна бир муҳим қадам бўлди. Унда судьяликка биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази, Олий суд ва Олий хўжалик судида тайёргарлик ва стажировка ўташи, шунингдек, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш кўзда тутилган.

Мухтасар айтганда, суд-ҳуқуқ соҳасида конституциявий талаблар асосида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самараси ўлароқ, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминлаб келинмоқда. Зеро, Асосий қонунимиз туб замирида ҳам шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсонни рози қилиш, уларнинг эзгу орзу-ўйларини рўёбга чиқариш, инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик жамиятни барпо этишдек улуғвор мақсадлар ўзининг тўлақонли ифодасини топган.

**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати**

Ижтимоий реклама

## Диққат: “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги”!

Ҳурматли юртдошлар!

Маълумки, қиш фасли бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжлари бирмунча ортиши билан ёнғин хавфи кескин ортиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарорига асосан жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар республика миқёсида “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилади.

Қарорда кўрсатилганидек ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — “иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш” деб белгиланган.

Азиз ватандошлар!

Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраган ҳолда таъкидлаймизки, бу даврларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.*

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси**

Мулоҳаза

# Энг шариф зот устоздир

## Унга таъзим миллатга ва Ватанга таъзимдир

**ХАЛҚИМИЗНИНГ қадимий таомили шуки, ҳар бир ота-она боласи мактаб ёшига етганда, фарзандини хат-саводли қилиш ташвишига тушади. Устозлар ҳам болага шунчаки илм ва тарбия бермаганлар. Балки шогирдни камолга етказиш масаласига бурч даражасида қараганлар. “Одам яратилгандан сўнг унинг туганмас бахти илм ва маърифатда бўлади”, деб ёзади Аҳмад Дониш.**



Аслида устознинг мартабаси отанинг мавқеи билан баробар қўйилиши шундан. “Комиллик тушунчаси барча фалсафий оқимларда деярли бир хил: боланинг чуқур билим олиши ва унинг ибратли хулқ билан зийнатланишида деб тушунганлар. Зотан, ер — ҳаёт оламининг мадрасаси, унда коинот дарси ўргатилади. Чунки ерда ҳар нарсанинг ҳақиқатини оча оладиган инсон яшайди”, деб ёзади мутафаккирлардан бири ўз асарида. Бинобарин, Аристотель айтганидек, “муаллим ўз шогирдини ўзидан-да билимли ва устун қилиб тарбиялашни мақсад қилар экан, унинг қай даражада юксалиши муаллимнинг салоҳияти қанчалик баланд эканига боғлиқ бўлади”.

Мана шу масала малакали кадрларни тайёрлаш ва уларнинг мунтазам равишда малакасини ошириб боришнинг бош мезони бўлган. Хусусан, бугун ҳам **“...мактаб таълимида ўқитувчи шахси — марказий ўқ вазифасини ўтайди”**, деб таъкидлайди Юртбошимиз. Зотан, таълим-тарбия билан боғлиқ барча жараёнлар унинг теграсида кечади. Унутмаслик жоизки, ўқитувчи ўзи сабоқ бераётган, тарбиялаётган ўғил-қизлар учун илмий етуклик, ахлоқий баркамоллик мезони сифатида намоён бўлади. Умумий ўрта таълимнинг мажбурийлиги, ўқувчини ўқитувчи шахсига итоат ипи билан боғлайди. Бинобарин, у муаллимга ҳурмат кўзи билан қарайди. Диққат билан дарсини тинглайди, сўзини бўлмайди — маслаҳатларига қулоқ солади. Инсон умрининг илк даврларида юриш-турišда ҳам, муомала-муносабатда ҳам муаллимига тақлид қилади. Бу эса, мутафаккир инсонларнинг қайд қилишларича, ўқитувчи-мураббийдан дунёқараши, ахлоқий қарашлари, эътиқоди, хулқ-атвори, ҳис-туйғулари, хатти-ҳаракатлари муаттар ва теварак-атроф воқеаларига нисбатан ўз муносабати бўлишини талаб этади. Зеро, бу талаблар ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги алоқани мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

Гоҳида биз айрим масалаларда, жумладан, боланинг энг кичик ютуғини ҳам катта қувонч билан қаршилаш, унинг умидларини ўстириш, унда ўзига нисбатан ишонч ҳиссини мустаҳкамлаш борасида, фалон халқда фалон одатлар мавжудлиги ҳақида гапирамиз. Ваҳоланки, тарбиянинг мукаммал усули бизда қадимдан мавжуд бўлган. Мураббий-устозлар азалдан шогирдига ҳурмат билан муносабатда бўлишган. Унинг хатти-ҳаракатлари, ўй-фикрларига доимий эътибор беришган. Уни шахс сифатида юксалтирадиган сифатлари қўллаб-қувватланган — керагида муносиб рағбатлантирилган. Бу эса боланинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаган, янгидан-янги натижалар сари ундаган.

Тошкент давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) таҳсил олган бир дўстим, профессор Тошмуҳаммад Саримсоқовнинг ўзига хос дарс ўтиш усуллари ҳақида гапириб берганди. Устоз аудиторияга кирганда тингловчиларига: **“Мен сизларга дарс ўтиш жараёнида, ниманидир ўргатиш баробарида, ўзим ҳам сизлардан кўп нарса ўрганаман”**, дер эканлар. Бундай сўзлардан талабалар руҳланиб кетишар, кўпроқ нарса ўқишга, машғулотларга алоҳида тайёргарлик билан келишга ҳаракат қилишар экан. Бу каби тажриба мактаблари авлоддан-авлодга ўтиб келгани, ҳозирда ҳам мавжуд экани қувонарли ҳол албатта.

Сирасини айтганда, ота-она ҳам — устоз мақомидаги зотлар ҳисобланади. Улар ҳам болаларига эзгулик фанидан дарс ўтадилар, илмли, одобли бўлишларини истайдилар. Бироқ ўқитувчининг улардан фарқли бир жиҳати бор. Дейлик, уйда катталар болаларига талаб қўйганларида уларнинг ёш жиҳатига жиддий аҳамият бермайдилар. Учинчи синф ўқувчисига ҳам битирувчи синфда ўқийдиган фарзандларига қўйган талаб билан ёндашадилар. Тадрижийлик тамойиллари бунда эътибордан бироз четда қолади. Ўқитувчи эса ҳар бир боланинг ёшига, тайёргарлик даражасига, унинг лаёқатига қараб муносабатда бўлади. Бор маҳоратини ишга солиб, билимини, меҳрини берган ўқувчисини у бир умр шогирди мақомида кўради. Қаерда бўлмасин собиқ ўқувчисининг муваффақиятларидан қувонади, унга янада баркамоллик тилаб яшайди. Шунинг учун Навоий ҳазратлари: — **“Агар шогирд шайхулислом, агар қозидир, агар устоз рози — Тангри розидур!”** — деб, устозлар шаънига мақтов сатрлар битган.

Таълимда замонавий ахборот технологиялари кенг қўлланила бошланди. Ўқитувчилар маъруза матнларини ўқув-қўлланмалари тарзида чоп эттириш, кўпнинг эътирофига сазовор бўлган тажрибаларини оммалаштириш имконига эга бўлдилар. Мураббий-устозлар ўртасида эркин рақобат майдони вужудга келди. Энг асосийси, улар энди аввалгидек шунчаки хат-саводли ўғил-қизларни тарбиялашга эмас, балки ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга бурчли эканликларини — шу жиҳатдан, жамият олдида масъул эканликларини ҳис қила бошладилар. Мана шу масъулият мактабни иморатлар ичида энг мўътабари, ўқитувчиликни касбларнинг орасида энг шарафлиси дейишга асос бўлди.

Минг афсуски, ушбу мўътабар иморатда фаолият юритиб, шарафли касб эгаси мақомига сазовор бўлганлар орасида ушбу номга тўлиқ муносиб эмаслари ҳам учраб туради. Бирор-бир хорижий тилни чуқурроқ билиш билан ёшларни, талабаларни баркамол қилиб тарбиялаб бўлмайди. Муайян фанларни чуқур ўргатиш, хорижий тилни мукаммал ўқитиш баробарида, ёшларимизни миллий қадриятларимизни асраб-авайлаб, янада бойитишга, ота-она, маҳалла-кўй, жамият ва давлат олдидаги масъулиятини теран ҳис этишга ундаш, уларда ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш, жисмонан ва маънан соғлом қилиб тарбиялаш таълим-тарбиянинг асосий омилларидандир. Замонамизнинг мураббий-устозлар олдига қўяётган асосий талаби ҳам шу аслида. Юқорида қайд этилгани каби ўз касбига бирёқлама ёндашадиган инсонлар нафақат ўзларига, балки юриш-туриш, таълим-тарбиядаги ноқислиги билан ўзлари таълим бераётган ёш авлодга, унинг баркамол тарбиясига ҳам салбий таъсир ўтказади. Бундай салбий таъсирлар жамланиши оқибатида жамиятимиз, давлатимиз, халқимизнинг тинчлик-тотувлик, фаровонлик, иқтисодий юксалиш каби кўплаб эзгуликлари олдида сунъий тўсиқлар юзага келиш хавфи туғилади. Бундай хавф-хатарларни бартараф этиш мақсадида ушбу шарафли, таъбир жоиз бўлса, ўта масъулиятли касб эгаларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласига жиддий эътибор бериш, уларнинг нафақат таълимда, балки тарбияда ҳам комил инсон эканликларига талабни кучайтириш лозим.

**Худоёр МАМАТОВ,
юридик фанлар
доктори**

Таҳлил

# Уй қамоғи

## эҳтиёт чорасини янада такомиллаштириш масаласи

**СЎНГГИ йилларда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мақсади одил судлов соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳамда конституциявий ҳуқуқларини таъминлашдан иборатдир.**

Мустақилликнинг ўтган қисқа даври мобайнида мамлакатимизда бу борада кенг кўламли ҳуқуқий база яратилди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умуминсоний тамойиллар мамлакатимиз қонунчилигида ҳам ўз ифодасини топди. Хусусан, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ва жиноят-процессуал қонунчилигимизга “Хабеас корпус” институтининг жорий қилиниши муносабати билан жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари янада самарали ҳимоя қилинишига эришилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан тақдим этилган **“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”** тизим ислоҳотларида янги даврни бошлаб берди. Мазкур Концепция асосида 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган **“Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонун бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, судга қадар иш юритиш босқичида прокурор ва терговчи томонидан қўлланиб келинган айбланувчини лавозимидан четлатиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судья санкцияси асосида амалга ошириш тартиби жорий этилди.

Бундан ташқари, 2014 йил 4 сентябрда Президентимиз томонидан имзоланган **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонунга асосан Жиноят-процессуал кодексига эҳтиёт чораларининг янги тури, яъни уй қамоғи жорий қилинди.

Қонунга мувофиқ уй қамоғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшини, соғлиғи ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ, деб топилган тақдирда қўлланилади.

Уй қамоғи гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйилиб, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган туражойда тақиқлар (чекловлар) юклатилган, шунингдек, унинг устидан назорат амалга оширилган ҳолда бўлишидан иборат.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг соғлиғи ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тиббий муассаса уй қамоғида сақлаш жойи этиб белгиланиши мумкин.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисидаги қарорда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи дучор қилинадиган озодлик бўйича аниқ тақиқлар (чекловлар), шунингдек, ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш зиммасига юклатилаётган орган кўрсатилади. Энг муҳими, уй қамоғи эҳтиёт чораси қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси каби фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судларнинг ажримига асосан амалга оширилади.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш ҳамда жиноят процессида “Хабеас корпус” институтини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, Жиноят-процессуал кодексига кўра, ўзига нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсга қуйидаги тақиқлар (чекловлар) ўрнатилиши, шунингдек, муайян шахслар билан алоқада бўлиш, хат-хабар олиш ва жўнатиш, ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш, уй-жойини тарк этиш ва гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи барча тақиқларга (чекловларга) ёхуд улардан айримларига дучор этилиши мумкин.

Бироқ мазкур қабул қилинган Қонунда уй қамоғи қўлланилган шахсларга нисбатан тақиқлар (чекловлар) ўрнатишда айрим томонлари кўзда тутилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят-процессуал қонунчилигимизни янада такомиллаштириш мақсадида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган гумон қилинувчи ёки айбланувчи фавқулодда ҳолатлар юз берганда тез тиббий ёрдам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, авария-қутқарув хизмати ходимларини чақириш учун, шунингдек, ушбу эҳтиёт чорасига риоя қилиниши назорат қилувчи орган ва терговчи билан ўзаро алоқа қилиши учун телефон ва бошқа алоқа воситасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи нормани киритиш мақсадга мувофиқдир.

**Азизбек ЯРАШЕВ,
Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича Тадқиқот маркази катта консультанти**


## Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига
**ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Жиззах вилояти**
Фориш туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Сурхондарё вилояти**
Денов туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига
**ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Андижон вилояти**
Асака туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Асака туман 5-сон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Бухоро вилояти**
Олот туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Жиззах вилояти**
Бахмал туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгиобод туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жиззах шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жиззах шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Қашқадарё вилояти**
Қарши шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Косон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Муборак туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Навоий вилояти**
Томди туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Учқудуқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Наманган вилояти**
Норин туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чортоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Учқўрғон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгиқўрғон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўрақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Сурхондарё вилояти**
Сариосиё туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бойсун туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Музработ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Узун туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**
*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*7. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2015 йил 16 декабрь) Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Сайилгоҳ кўчаси, 5. Телефонлар: (0-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 16-моддаси, 1-қисми, 12-бандига асосан Фарғона вилоят адлия бошқармасининг 2015 йил 26 октябрдаги 385-ум-сонли буйруғига асосан Марғилон шаҳридаги "Мар адвокат ҳуқуқ" адвокатлик бюроси адвокати бўлган Тоджибаева Махарам Ибрагимовнанинг *(лицензия FE №000090, 03.06.2009 йил, адвокатлик гувоҳномаси №255, 22.10.2012 йил)* адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ва адвокат мақоми жорий йилнинг 26 октябридан тугатилди.

Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг 2015 йил 4 ноябрдаги 237-ум-сон буйруғига асосан “NUR” адвокатлар ҳайъати адвокати Мингбаева Рахимага адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 8 апрелда берилган SI 000108 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокат мақоми тугатилди.

Олий малака комиссиясининг 14.09.2015 йилдаги 5-сонли баённомаси ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 28.09.2015 йилдаги №384-ш/т-А-сонли буйруғига асосан бошқарманинг 2014 йил 29 декабрдаги 403-ш/т-А-сонли буйруғининг “OLMAZOR ADVOKATLARI” адвокатлар ҳайъати адвокати Яхяев Аскар Махаматовичга бошқарма томонидан 01.06.2009 йилда берилган TN-000103 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилган қисмига ўзгартириш киритилиб, Яхяев Аскар Махаматовичга бошқарма томонидан 01.06.2009 йилда берилган TN-000103 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тикланди.

* * *

Олий малака комиссиясининг 14.09.2015 йилдаги 5-сонли баённомаси ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 28.09.2015 йилдаги №384-ш/т-А-сонли буйруғига асосан бошқарманинг 2015 йил 2 июлдаги 251-ш/т-А-сонли буйруғининг “ADVO-SUNSHINE LIVE’S” адвокатлик фирмаси адвокати Азизова Лола Аблакуловнага Жиззах вилоят адлия бошқармаси томонидан 28.05.2009 йилда берилган GZ-000003 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 26.06.2015 йилдан 6 ой муддатга тўхтатилган қисмига ўзгартириш киритилиб, Азизова Лола Аблакуловнанинг адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 4 ой муддатга тўхтатилган ҳисобланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти жамоаси Суд департаментининг Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи
**Абдуваҳоб ОРИПОВ**нинг
бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ришта

# Ҳаёт — оила билан гўзал

## Усиз маъно ҳам, мантиқ ҳам йўқ

**ОИЛА — муқаддас даргоҳ. Бу сўзни ҳар куни кўп бора эшитамиз. Сабаби иш фаолиятимиз бевосита оилалар тақдири билан боғлиқ. Тарихга назар соладиган бўлсак, шарқда оила шаъни эр йигитлар қаддидек юксак бўлган.**



Ибн Сино, Алишер Навоий, Беруний сингари буюк алломаларимиз асарларида оилада фарзанд тарбиясида ҳар бир ота-она масъулиятли бўлишлиги ҳақида кўплаб фикрлар юритилган. Биргина Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" асари қаҳрамонларининг оилага ҳурмати борасида фикрлари ҳақида соатлаб мулоҳаза юритиш мумкин. Мустақиллик йилларида юртимизда оилалар мустаҳкамлиги, уларнинг соғлиғи, маънавияти, фарзанд тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, **"Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир".**

Соғлом ва мустаҳкам оилаларни қарор топтиришда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"**ги қарорининг роли ва аҳамияти катта бўлмоқда.

Мазкур қарор фуқаролигидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ФҲДЁ органлари томонидан ўтказиладиган барча никоҳларга жорий этилади. Эътиборлиси, юртимизда никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари бепул йўлга қўйилган.

Ёшларимизда Ватанимиз тақдирига, мамлакатимизда кечаётган демократик ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси ҳам тобора ошиб бормоқда.

Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш асосий масалалардан бири бўлгани боис бу борада қатор қонун ва қоностиости ҳужжатлари қабул қилинди. **"Таълим тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, давлатимиз раҳбарининг **"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарори, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг **"Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"**ги қарори шулар жумласидандир. Шунингдек, **"Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"**ги **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонунларнинг қабул қилинганлиги, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйганлик учун, никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, болаларнинг мажбурий умумтаълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилинганлиги учун жавобгарлик нормаларининг белгиланганлиги ҳам ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарлик йўлига ўтишининг олдини олиш уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб улғайишининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ангрен шаҳар маҳаллаларида "Бир болага етти қўшни ота-она", "Биз — Ўзбекистон фарзандларимиз!", "Озод ва обод Ватанда бахтли яшаш — ўз қўлимизда" каби мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар, акциялар, спорт мусобақалари ўтказиб борилмоқда.

Энди бевосита фаолиятимиз борасида тўхталадиган бўлсам, касб-ҳунар коллежларида, маҳаллаларда "Оила дорилфунуни", "Бўлажак қудалар мактаби", "Муқаддас қўрғон остонасида" каби юзма-юз мулоқотлар мунтазам йўлга қўйилган. Тадбирлар, суҳбат ва учрашувларга шифокорлар, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган нуронийларимизни таклиф этаяпмиз. Никоҳланувчиларга "Бўлажак келин-куёвга эслатма", "Буни билишингиз зарур" каби буклетлар тақдим этаяпмиз. Бундан кўзланган мақсад ҳам ФҲДЁ бўлимига келган ҳар бир келин-куёв келажакда бахтли яшасин.

**Умида ЭРГАШЕВА,**
**Ангрен шаҳар 2-сон ФҲДЁ бўлими мудираси**

Огоҳлик қўнғироғи

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**

***Ҳужжатли қисса***

# БАҲОР қор қўйнида ухламайди

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**



— Мени алдашди, — деди Тозагул. Бундай бўлишини билганимда бу юртларга келмаган бўлардим. Бунинг учун ўзим айбдорман.

— Тошкентдан бирга келган қизлар билан гаплашмадингми? Улар ҳам ўз ихтиёри билан "алданган"лар. Бе урда нима иш билан шуғулланишини яхши билган. Улар сенга йўлда айтмадими? Дугоналаринг аллақачон "бой"ларни қабул қилишни бошлаб юборди. Сен эса...

— Сен ҳақиқий алданган бўлсанг, бу ердаги аёлларнинг 90 фоизи "ихтиёрий" алданганлар. "Агар бирон жойда полицияга қўлга тушиб қолсак, йиғлаймиз. Паспортимни йўқотиб қўйдим. Саёҳатга келган эдим", — деймиз. Қолаверса, Басика бизни жаҳаннамнинг оғзидан ҳам суғуриб олади. Фақат унинг айтганига рози бўлсанг бас. Унинг қўли узун. У билан ўйнашиб бўлмайди.

* * *

Икки-уч ҳафтадан сўнг кутилмаганда бу ердагиларнинг Тозагулга нисбатан муомалалари ижобий томонга ўзгарди. Уни яхши таомлар билан сийлай бошлашди. Бугун тушликдан сўнг уни яхшилаб чўмилтиришди. Қошларига қора қалам тортиб, кўзларига араб сурмаларидан суришди. Меҳмонхонанинг икки кишилик хонасидан жой берди. Хона анвойи гуллар билан безатилиб, тўкин дастурхон тузалди. Лекин Тозагулнинг ичига чироқ ёқса ёришмасди. Фақат ўғли Шерзодбек ва Хосият холани ўйларди. Ўша куни, энди кўзи илинган эдики, хонасининг эшиги очилиб, 40-45 ёшлардаги бир эркак кириб келди. У оппоқ кийинган эди. У кулиб ўз тилида Тозагулга нималардир деди. Тозагул тушунмади. Сўнг у Тозагулни безатилган дастурхонга таклиф қилди-да, француз коньягини очиб узатди.

10

— Сиз ким бўласиз? Хонамдан чиқиб кетинг. Ҳозир аёлларни чақираман, — деди қатъий оҳангда Тозагул. Ҳалиги эркак кулиб ўз тилида яна нималарнидир гапирди. Бироздан сўнг у ечина бошлади. Тозагулнинг олдига 200 АҚШ долларини ташлади. У Тозагул долларни олади деб ўйлади. Бу ердаги аёллар доллар деса жонини беради-да. Тозагул ундай қилмади. Аксинча, доллар устига оёғини қўйиб, уни эзиб ташлади. У чўнтагидан яна 300 АҚШ долларини чиқариб, Тозагулнинг ёнига ташлади. Бу гал ҳам Тозагул иккинчи оёғи билан долларни эзғилади. Тозагулнинг бу иши эркакнинг нафсониятига тегди шекилли, ўз тилида яна нималардир деди-да сўнг асаби бузилиб Тозагулга яқинлаша бошлади. Тозагул бир қадам олдинга юрди-да, ёстиғи тагидан пичоқ олди. Сўнг унга қараб бақирди. "Йўқол, ифлос", — деди важоҳат билан. Пичоқни кўрган ҳалиги эркак орқага юриб нимадир дея бақирди. Бу манзарани видеокамера орқали кузатиб (хоналарга яширин камералар қўйилган) турган Басиканинг "қўшма"чилари эшикни очиб, ҳалиги эркакни олиб чиқиб кетди.

* * *

Тозагул кеча қилган ишингни эшитиб хафа бўлдим. Сен билан келган қизлар кунига "кўки"дан топаяпти. Тўғрисини айт. Бизнинг "йўл"га юрасанми ёки йўқми? — сўради Басика.

Тозагул индамади.

— Демак, рози эмассан.

— Ўлсам ҳам.

Басика тугмачани босди.

Эшик очилиб Наташа кириб келди.

Басика буюрди: "Тарбиявий "дарс"лар давом эттирилсин.

"Ўқитувчи"лар бу гал "дарс"ни бошқача "ўтишди". Тозагулнинг оғзини "скоч"лаб оёғидан баландга осиб қўйишди. Ҳушидан кетгач, қўл-оёғини ечиб устидан бир челак муздек сув сепиб юборишди. Тозагул анча вақтдан сўнг ҳушига келди.

* * *

Ҳадемай Янги йил келади. Шерзодбекнинг биринчи синфга қатнаётганига ҳам ярим йил бўлади. Салкам бир йилдан ошибдики, онасидан дарак йўқ. Хосият хола билан Карим бобо ҳам тақдирга тан берди. Тозагул тирик бўлганда ўғли учун қишлоққа қайтарди дейишди. Бироқ...

Шерзодбек бугун ҳам онасига хат ёзди. Ўйлайди. Кўкбулоқ ёнидаги Катта қоратош ёриғига ташласам, тунда чўмилишга келган парилар хатимни онамга олиб бориб берса.

**"Ойижон, мактабга борганимга ҳам олти ой бўлди. Ёзишни, ўқишни билиб олдим. Ҳатто, мадҳиямизни тутилмай айта оладиган бўлдим. Сиз нега мени ташлаб кетдингиз? Ёки сизни сув парилар олиб кетдими? Кеча кечқурун ҳам Кўкбулоқдаги Катта қоратош ёнига бордим. Сиз айтиб берадиган эртакдаги:**

***Ёрилгин тош, ёрилгин,***
***Мен онамни кўрайин,***
***Дийдорига тўяйин,***

**деган сўзларни айтдим. Сизнинг эртагингиздаги ўша бола онасини соғинса, онаси парилар билан тошнинг орасидан чиқади, дегандингиз-ку. Мен ҳар куни эртакнинг шеърий сатрларини айтаман. Лекин тош ёрилмади. Сиз чиқмадингиз. Нега? Сиз ҳам ёмон одамлардан хафа бўлдингизми? Ёки у ердаги ёмон одамлар сизни қўйиб юбормаяптими. Ойижон, жон ойижон. Сизни жуда соғиндим. Тошларни ёриб бир марта чиқа қолсангиз нима бўлади?**
**Ўғлингиз Шерзодбек".**

11

* * *

Тозагул Басиканинг измига бўйсунмади. У энди меҳмонхонадаги энг қора ишларни бажарадиган бўлди. Фоҳишаларнинг ички кийимини, ҳожатхоналарни ва хоналарнинг полини артадиган бўлди. Бу ишларни у ялангоёқда, яримяланғоч ҳолда бажарарди. Акс ҳолда у қочиб кетиши мумкин.

Тозагул бу ердаги иккита муҳитни кўриб ҳайрон қолди. Аёлларнинг кўпчилиги яримяланғоч ҳолда юрса, баъзилари бошдан-оёқ қора "кийим"га ўралиб юрарди. Ҳижобда.

Бир куни Басика кутилмаганда йиғилишга чақирди. Йиғилишда нимагадир соқол қўйган, қора кузойнак таққан кишилар ҳам пайдо бўлди.

— Аёл ўттиз ёшга кирса ўтин бўлади. Уни оқ қоғозга ўраб итга берсанг, ит ҳам ҳидламайди. Шундай экан, 30 ёшдан ошган аёллардан яна бош мақсадларда фойдаланишимиз керак. Ҳар доим бу "иш"ларни қилганмиз. Тўғрисини айтадиган бўлсам, аёлларни жиҳодга тайёрлашимиз лозим. Хорижлик ҳамкорларимиз катта маблағ таклиф қилаяпти.

— Ўтган йил ҳам шу ишни қилганмиз. "Кўки"дан яхшигина беришган, — деди Басика. Сўнг йиғилганларга аллақандай китоб ва дисклар беришди. — Асосий "дарс"лик шу бўлади. "Сен фоҳишалик қилиб гуноҳга ботдинг, жаннатга киришни истасанг ўзингни жиҳод қилишинг керак, жаннатга тушасан", деган гапларни ҳар куни уларнинг миясига қуйиш керак. Компьютерларни жиҳодчиларнинг сайтига улаб қўйинглар. Фойдалансин. "Ўқитувчи"лар мана бу китоблардан сабоқ беради. Бизнинг вазифамиз аёлларни ғоявий жиҳатдан тайёрлаш, автоматда отиш ва ўзини қандай портлатишларни илондарадагиларнинг ўзлари ўргатади.

12

— Жиҳодга тайёрланаётган аёлнинг ҳар бирига 5 минг АҚШ долларидан бериш керак. Уйларига жўнатишсин. Улар уйидагилари билан гаплашаётганда "маошимни жўнатаяпман. Қўғирчоқ ишлаб чиқараётган фирмамиз бошқа жойга кўчаяпти. Кейин қўнғироқ қиламан", деса бўлди. Ортиқча бир сўз демасин. Ҳамма жойда қадамимизни пойлаб юрганлар бор, — деди ёрдамчиларидан бирига.

Йиғилиш тугади.

Кўп ўтмай Басиканинг хонасига ҳижобдаги беш нафар аёл кириб келди. Улар: — "Биз жиҳодга тайёрмиз, қачон кетамиз", — дейишди.

Бу аёллар аллақачон "зомби"га айланиб бўлган 30 ёшдан ошиб, бозори касод бўлган қари фоҳишалар — қора кузғунлар эди.

— Асалларим, уйингизга мана буни жўнатинглар, — дея Басика тортмасидан икки пачка "кўки"дан чиқаради. — Тенг тақсимлайсизлар. Фақат бу кийимда шаҳарга чиқманглар. Дам олиб, кино кўриб хоналарингда мазза қилиб ётаверинглар. Қачон, ким қаерга кетишини ўзим айтаман. У томонлардан вакиллар келса, бирга кетасизлар, — деди-да уларни эшиккача кузатиб қўйди.

Тозагул бу сўзларни Басиканинг махсус ҳожатхонасини тозалаётганда эшитиб қолди. Басика ташқарига чиққанда орқа эшикдан меҳмонхона фойесига чиқиб олди. Ҳеч ким сезмади. Тозагул қишлоғида сигир соғиб, нон ёпиб юрган кезларини эслади. Ўғли ёдига тушди. Хўрлиги келиб йиғлаб юборди.

**(Давоми бор)**

Адвокатура институти

# Гумондор шахс

## жиноятчи эмас

**КИМЛАРДИР билиб билмай жиноят йўлига кириб қолганидан афсус ва надоматлар чекади. Бундай инсонларнинг тўғри йўлга тушиб олишлари ва жамият учун фойдали инсонга айланишида адвокатнинг юридик ёрдам кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга.**

Буни қуйидаги мисоллар ҳам далиллайди. Жумладан, Наманган шаҳар ИИБ тергов бўлими томонидан А.Умаров (исм-шарифлар ўзгартирилган) Нигора исмли шахс билан тил бириктириб, Н.Каримованинг ишончига кириб, қимматга эга бўлмаган бир жуфт билагузук ва занжирни бериб, ундан 500 АҚШ доллари ва 500.000 сўм пулни ноқонуний олганликда гумонланган.

Адвокатнинг тергов даврида киритган илтимосномасига кўра, Нигора топилиб, у муқаддам жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди томонидан фирибгарлик жиноятини содир қилганликда айбланган, Фарғона шаҳрида истиқомат қилувчи Наргиза Сохибова эканлиги аниқланди. А.Умаров аёлларни фақат таништириб қўйганлиги ва жиноятга мутлақо алоқадор бўлмаганлиги сабабли унга нисбатан жиноят иши Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси, 2-қисмига асосан ҳаракатдан тугатилди.

Яна бир мисол, Наманган шаҳар ИИБ тергов бўлими томонидан Ж.Абдураҳмоновга нисбатан Жиноят кодексининг 135-моддаси, 2-кисми "б" банди, яъни қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган, шунингдек, жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйиб, одам савдоси билан шуғуллангани учун жиноят иши қўзгатилган.

Жиноят иши қўзғатилишига фуқаролар Н.Авазов, И.Рустамов ва Ш.Шариповларнинг Ж.Абдураҳмонов уларни Россия Федерациясига олиб бориб, мажбурий ҳолатда ишлатиб, иш ҳақларини бермаганлиги ҳақида ёзган аризалари асос бўлган. Адвокат аризада кўрсатилган шахсларнинг имзолари ҳаққонийлиги, аризачиларга Россияда иш берган шахсларни, ишни бажариш тартиби, вазифаларни тақсимлаш, иш ҳақи тўлаш масалаларига аниқлик киритиш тўғрисида илтимоснома тақдим қилган.

Аниқланган ҳолатлар натижасида Наманган шаҳар суди томонидан Олий Мажлис Сенатининг **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"**ги Қарорига асосан жиноят иши ҳаракатдан тугатилган ва Ж.Абдураҳмонов жиноий жавобгарликдан озод қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳеч ким жиноят йўлига қадам босмасин. Вилоятимиз адвокатлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларга юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида шаҳар ва туман фуқаролар йиғинларида фуқароларга бепул маслаҳатлар бериш жорий этилган. Ишлаб чиқилган режа асосида фирмамиз адвокатлари "Навбаҳор" МФЙ, "Порлоқ" МФЙ, "Юқори Ровустон" МФЙ, "Обиҳаёт" МФЙларида аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, ҳуқуқий маслаҳатлар беришди.

Эндиликда ҳар бир фуқаро ўзини қизиқтирган масала юзасидан вақтини ва йўл харажатларини тежаб, яшаб турган маҳалла фуқаролар йиғинларида адвокатлардан тегишли маслаҳатларни олиш имкониятига эга.

**Муқимжон ОРЗИҚУЛОВ,**
**Наманган вилоятидаги "Ҳамроҳ адвокатлар" адвокатлик фирмаси раҳбари**

## Бу — қизиқ!




**БУ албатта, Шерлок Холмсда. Дунёда бу номни эшитмаган, билмаган одам топилмаса керак. Ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам топқир, билимдон, ўз касбининг устаси, камбағалларга беминнат ёрдам қўлини чўзадиган, танти ва чексиз ақлий қобилияти ҳазиломуз мулоқот билан уйғунлашиб кетган ажойиб хислатлар соҳиби Шерлок Холмс ўз мухлислари қалбидан бетакрор шахс сифатида жой олган.**



1859-1930 йилларда яшаб ўтган машҳур инглиз ёзувчиси Артур Конан Дойл қаламига мансуб детектив жанрдаги "Тўртлар белгиси", "Баскервиллар ити", "Даҳшатлар водийси" саргузашт қиссалар ва "Шерлок Холмс саргузаштлари", "Шерлок Холмс ҳақида хотиралар" ҳикоялар тўпламининг бош қаҳрамони изқувар Шерлок Холмс ёзувчига бошқа асарларига қараганда бекиёс шон-шуҳрат келтирди. Аслида эса Артур Дойл детектив асарлар муаллифи эмас, балки жиддий тарихий асарлар ёзувчиси сифатида Англияда донг таратишни истарди. Буни қарангки, Конан Дойл ўзи сезмаган ҳолда айнан детектив асарлари орқали нафақат Англия, балки бутун дунёни забт этди.

Айтиш жоизки, Артур машҳур ёзувчи бўлгунига қадар кема шифокори, аскар, сиёсатчи ва жаҳонгашта саёҳатчи сифатида оғир ва машаққатли йўлларни босиб ўтди ва кейинчалик унинг кўрган-кечирганлари ижодий фаолиятига туртки, машҳурлик чўққисини эгаллашига замин яратди.

Конан Дойл 1887 йилнинг декабрида дунё юзини кўрган "Арғувон ранглар этюди" романида ўқувчиларни илк бор изқувар Шерлок Холмс ва доктор Ватсон билан таништиради.

Шундан бошлаб ўқувчилар ва таҳририятлар ёзувчидан Шерлок Холмс тўғрисидаги янгидан-янги саргузаштларни талаб қила бошлади ва Конан Дойл ҳаётининг машҳурлик саҳифалари пайдо бўлди. Бугунги кунга қадар турли миллат, турли элатга мансуб ўқувчиларнинг Шерлок Холмсга бўлган эътибор ва қизиқишлари асло сусаймаган, у барча даврнинг севимли қаҳрамони.

Конан Дойл кетма-кет икки йил мобайнида машҳур изқувар тўғрисида ҳикоялар ёзгач, охир-оқибат ўз қаҳрамонидан зерикди. У 1893 йили хотини Луиза билан Швейцариядаги сафар чоғида Райхенбах шаршарасига қилган ташрифидан сўнг кўпчиликнинг илтимосига қарамай, Шерлок Холмсни профессор Мариарти билан айнан мана шу шаршара ёнидаги курашда "ўлдириб" ундан бутунлай қутулмоқчи бўлди. Лекин бу уриниш ҳеч кимга омад келтирмади. Муаллиф кўпмингсонли ўқувчилар ва таҳририятлар талаби билан "Баскервиллар ити" романида Шерлок Холмсни "қайта тирилтириш"га мажбур бўлди ва у янада машҳур бўлиб кетди.

Асли касби шифокор бўлган Конан Дойл машҳурлик билан бирга жуда кўп қийинчиликларни бошдан кечирди. Ўзини сиёсатга урган Артур кетма-кет мағлубиятга учрайди. 1906 йилда севимли турмуш ўртоғи Луиза Хокинс бедаво дарддан қўлида жон бергач, у кўп вақт депрессия ҳолатидан чиқа олмайди. Ёзувчи ўзи каби қийналган, мушкул вазиятга тушиб қолган инсонларга ёрдам бериш билан тасалли топишни истайди ва бу эзгу истакларини Шерлок Холмс образининг руҳига сингдиради.

Қардош рус халқининг "Ҳар ёмонликдан сўнг бир яхшилик келади", деган нақли бор. Хотинининг вафотидан бир йил ўтиб, Артур Дойл Жин Леккига уйланади. Бу никоҳ унга янада ижодий куч бағишлаб, катта дааромад ва омад келтиради.

Адиб Шерлок Холмс ҳақида ёзар экан, одил суднинг хатоларини исботлаш мақсадида Скотланд-Ярд кўчасида жойлашган Бирлашган Қиролликнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораси билан алоқага киришади. Бу билан кўп миқдордаги отлар ва сигирларни сўйишда айбланган Жорж Эдвальжи исмли йигитнинг оқланишига эришади. Дойл Эдвальжининг кўзи яхши кўрмаслигини ва у машъум жиноятни қила олмаслигини исботлайди. Натижада тайинланган жазо муддатининг ярмини қамоқда ўтказган айбсиз киши жазодан озод этилади.

Табиийки, ўқувчиларда Шерлок Холмснинг прототипи бўлганми, деган савол туғилади. Замондошлари Артур Конан Дойлнинг машҳур образи аслида муаллифнинг ўзи бўлганини кўп бора эътироф этишган. Чунки ёзувчи ўз қаҳрамони каби жуда синчков, ўткир зеҳнли ва топқир бўлган. Кўплаб давлат арбоблари ундан жумбоқли масалаларни ечишда ёрдам сўрашганида Конан Дойл — Шерлок Холмс услубида уларга кўмаклашгани ҳам бор гап. Яна бир бошқа манбаларга кўра, Конан Дойл Эденбург тиббиёт университетида ўқиб юрган кезлари унга сабоқ берган профессор Жозеф Белл Шерлок Холмс образига асос бўлган, изқуварнинг яқин дўсти ва кўмакчиси доктор Ватсон персонажи эса адибнинг ўзи.

Бизнингча эса асосийси, машҳур Шерлок Холмс фақатгина Конан Дойлнинг интеллектуал мулки эмас, балки бутун дунё халқининг маънавий мулкига айланиб улгурди. Зеро, олимларнинг Шерлок Холмс — инсониятнинг аҳли ва зеҳнини чархлайдиган образ, деган таърифида жон бор.

Шерлок Холмс ҳақида яратилган 211 та фильм ҳанузгача "экран тўридан" тушмаган. Шерлок Холмс ва доктор Ватсон ҳақидаги баҳс-мунозаралар интернет ресурсларида ҳануз давом этмоқда. Биргина Лондонда Шерлок Холмсга бағишланган бир нечта музейлар фаолият юритади. Дунёнинг турли бурчакларида машҳур изқувар шарафига бунёд этилган жамоат ташкилотлари, уюшма ва клублар мавжуд. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига саёҳат қилиб табиат гўзаллиги-ю мўъжизаларидан илҳом олган буюк ёзувчи Артур Конан Дойл 1930 йилнинг 7 июлида охирги сафарга чиқди. Шу куни оғир касаллик туфайли тўшакка михланган адиб ўрнидан туриб боққа чиқади ва яқинлари уни бир қўлида тупроқ, бир қўлида оппоқ бойчечак сиқимлаганича ерда ётган қўйи топишади. Унинг охирги сўзи хотини Жинга қарата айтилди: "Сиз ажойибсиз".

**Манбалар асосида**
**"Инсон ва қонун" мухбири**
**Фарида ҚОРАҚУЛОВА**
**тайёрлади.**

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Усманов Анвар Акрамович
Султонов Алимкул Тошбекович
Очилов Алижон Мухлисович
Мамадалиев Зайниддин Очилович

Навбатчи Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 18881.
Буюртма S-4415.
Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:
100031, Тошкент ш. Миробод кўчаси-19.
Тел: 256-60-91,
Факс: 256-60-75

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5